

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкентда умумтаълим мактаблари раҳбарлари учун Ёшлар йилига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Семинарда ўқув муассасалари раҳбарлари Халқ таълими вазирлиги ва Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси вакиллари билан биргаликда иш йўналишларини муҳокама қилдилар, пойтахтдаги мактабларда «Ёшлар йили» Давлат дастурини ҳаёtgа татбиқ этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқдилар.

● Бўка агросаноат касб-хунар коллежида «Ёшлар йили» Давлат дастурини амалга оширишда халқ депутатлари маҳаллий вакиллик органларининг роли ва масъулиятини ошириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

● Хонобод шаҳридаги «Андижонкабель» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасида «Касб малакаларини ривожлантириш» лойиҳаси биринчи босқичи натижаларининг якунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Ушбу анжуманни ўтказишдан мақсад Андижон, Наманган, Фарғона ва Тошкент вилоятларида жумладан, кичик бизнес соҳасида ҳам касб-хунар коллежлари ва корхоналар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашдир.

● Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Хоразм вилоят Кенгаши томонидан Ёшлар йилига бағишлаб ўтказилган навбатдаги тадбир «Ёшлик гулшани» деб номланди. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, қизларни турмушга тайёрлаш, жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга ёрдамлашга мақсадда таъкил қилинган мазкур тадбирда вилоят коллежларининг талаба-қизлари ўз имкониятларини синовдан ўтказдилар.

● Чирчиқ шаҳридаги сержантлар тайёрлаш мактабида ёшлар онгига ватанпарварлик туйғуларини сингдириш ва ўсмирларни армия сафида хизмат қилишга тайёрлаш мақсадда уюштирилаётган «Шункорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларининг Тошкент вилоят босқичи бўлиб ўтди. Мусобақада ғолиб чиққан Паркент туманидаги 1-ўрта мактабнинг «Шеро-рак» жамоаси Республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

● Гулистон шаҳридаги Амфитеатр майдонида «Аскиячи ва кизикчилар» Республика кўрик-танловининг Сирдарё вилоят босқичи нияосига етди.

● «Олмалик кон-металлургия комбинати»да ишлаб чиқариш ютуқлари кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда Республикадаги 60 га яқин корхона-ташкilotлардан вакиллар қатнашди.

● «Енгил металл» қурилмалари заводи» ОАЖ ҳудудида «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси таркибига қирувчи корхоналарнинг тармоқ ярмаркаси ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши делегациясининг Техронга ташрифи чоғида Эрон ядро дастури атрофидаги муаммолар ва Яқин Шарқдаги вазият муҳокама қилинади.

● АҚШ президентидаги музоаммада Барақ Обама ўз рақиб Хиллари Клинтоннинг навбатдаги дебат ўтказиш тўғрисидаги таклифини рад этди.

● Аргентина иқтисодиёт вазири Мартин Лусто беш ойга яқин муддат фаолият кўрсатганидан сўнг истефода қолди. Лустонинг мамлакат ривожига тўғрисидаги фикрлари Аргентина Президенти Кристина Фернандес де Киршнернинг қарашларига тўғри келмаганилиги учун давлат раҳбари вазирнинг истефосини талаб қилди.

● Кобул шаҳрида ўтказилган ҳарбий парад чоғида мамлакат Президенти Ҳамид Карзайга нисбатан суиқасд уюштирилди. Суиқасд натижасида президентга зарар етмаган бўлса-да, уч киши ҳаётдан кўз юмди, ўн бир киши яраланди. Ушбу қабих жиноятни амалга оширганлиги Гулбиддин Ҳикматёр бошқараётган «Афғонистон Ислоҳ партияси» ўз зиммасига олди.

● Италия ҳарбий денгизчилари Сомали қирқокларида денгиз қароқчиларининг навбатдаги хуружини бартараф этишди.

● Кеча АҚШ Президенти Жорж Буш Оқ уйда 93-бор ўтказилган ОАВ вакилларининг йиллик қабулида давлат раҳбари сифатида сўнги бор қатнашди.

● Куба давлати раҳбари Раул Кастро май ойидан бошлаб барча тоифадаги пенсияларни 20 фоизга оширишга қарор қилди.

● Португалия ва Италия таркибиде инсон саломатлиги учун ҳавфли моддалар борлигини гумон қилган ҳолда Украинадан ўсимлик ёғи олишни тўхтатишди.

● Шимолий Американинг Калифорния штатида ўрмон ёнғинлари авжига чиқди. Уни бартараф этишга самолётлар, вертолётлар, ўт ўчирувчиларнинг катта қучлари жалб этилган бўлиб, ёнғиннинг яна қандай уч кун давом этиши тахмин қилинмоқда.

● Словакия ўзида мавжуд кўнғир айиқларни рўйхатдан ўтказишга қарор қилди. Ҳозирда Словакия ўрмонларидаги айиқларнинг аниқ миқдори маълум эмас. Ушбу иш экологик барқарорликни бузмайдиган даражадаги айиқларнинг мақбул сонини баҳолаш мақсадига ўтказилмоқда. Зеро, табиатда айиқларнинг душманлари йўқ ва уларнинг назоратсиз кўпайиши бошқа ҳайвонот турларига зарар келтириши мумкин.

● Жанубий Кореяда парранда гриппининг 7 та ўчоғи аниқланган. Мамлакат жанубий-шарқий туманларида шу йил бошидан бўён паррандаларнинг касалланиши бўйича 43 та ҳолат аниқланган. Уларнинг муайян қисмида Н 5 Н 1 вируси топишган. Шу туманларда 3 миллионга яқин уй паррандалари йўқ қилинган.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 80 (11.141)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар



Ярмаркалар

САПОХИЯТЛАРИ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

«ТОШКЕНТ ЙЎЛОВЧИ ВАГОНЛАРИ ТАЪМИРЛАШ ЗАВОДИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА ТАРМОҚ САНОАТ ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛДИ. ЯРМАРКА «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ТЕМИР ЙЎЛ КОМПАНИЯСИ ТАШКИЛОТЧИЛИГИДА БЎЛИБ ЎТДИ.

Мазкур ярмаркада компания тасарруфидеги 4 та йирик корхона ўзлари ишлаб чиқараётган сифатли ҳамда рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни намойиш этишди. Тадбирга мамлакатимиздаги 30 дан зиёд йирик корхона ва таъкилотларнинг вакиллари таклиф этилди. Шунингдек, хорижий ҳамкорлар ҳам ярмарка экспозицияларидан баҳраманд бўлишди.

—Ушбу тармоқ ярмаркасини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад корхоналаримизда ишлаб чиқарилаётган темирйўл соҳаси ва бошқа тармоқлар учун керакли бўлган маҳсулотларни намойиш этиш, импорт ўрнини босувчи ва экспорт товларлар тайёрлашда маҳаллий ҳамда хорижий шериклар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, рақобатбардош маҳсулот турларини янада қўлай-тиришдан иборатдир, — дейди «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси стратегик ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жасур Тангрибердиев. —Бугунги кўргазма намойишида «Ўзтемирйўлтамйрлаш» унитар корхонаси, «Қуюв-механика заводи», «Андижон механика заводи» шўба корхоналари ҳамда «Тошкент йўловчи вагонлари таъмирлаш заводи» очик акциядорлик жамияти ўз маҳсулотли билан фаол иштирок этишмоқда. Таклиф этил-

ганлар корхоналар фаолияти, ишлаб чиқариш имкониятлари, салоҳиятлари, ҳамкорликка бўлган интилишлари билан ба-тафсил танишишга муваффақ бўлишмоқда. Бу албатта, фойдали шартномалар тузишда, ҳамкорликни мустаҳкамлашда кат-



та аҳамият касб этиши, шубҳасиз. Иштирокчилардан бири—«Тошкент йўловчи вагонлари таъмирлаш заводи» акциядорлик жамияти фаолияти билан танишар экансиз, бугунги кунда корхонанинг имкониятлари янада ортиб бораётганининг гувоҳи бўласиз. 2002 йилда иш бошлаган ушбу корхонада юксак унумли замонавий дастгоҳлар қуввати ва ма-

лакали кадрлар маҳоратидан самарали фойдаланган ҳолда йилига 450 та йўловчи ташиш вагонлари таъмирдан чиқарилмоқда. Шунингдек, ички бозорда муҳим ўрин эгаллаган тадбиркорлар қўшни Тожикистон, Қозогистон ва Қирғизистон давлатлари буюртмаларини муваффақият билан урдалашмоқда. Валюта маблағларини тежаш мақсадида заводда бугунги кунгача йўловчи ташиш вагонларининг 150 тадан зиёд бутловчи қисмлари маҳаллийлаштирилди. Шунинг 120 таси завод цехларида тайёрланмоқда.

—Албатта, ушбу ярмаркада ўз маҳсулотларимизни кўрсатар эканмиз, — дейди «Қуюв-механика заводи» шўба корхонаси маҳсулот сотиш бўлими бошлиғи Талгат Лесов, —уларнинг орасида нафақат темир йўллар, балки бошқа соҳалар учун ҳам зарур ва керакли товарларимиз мавжуд. Бугунги кунга келиб маҳсулотларимиз тури 100 хилдан орттикти ташкил этса, уларнинг кўли импорт ўрнини босиши билан ажралиб туради. Мазкур ярмаркада ҳамкорлар топиш, буюртмачиларни жалб этишга муваффақ бўламиз. Шунингдек, импорт ўрнини босувчи ва экспорт товларларини ишлаб чиқаришда ҳамкорларимиз билан шерикликда ишлаш ниятидамиз.

Икки кун давом этган мазкур тармоқ саноат ярмаркасида кўзланган мақсадга эришиш йўлидаги қадамлар қўйилди ва унинг ҳар йили аънавий тарзда ўтказиш яхши самара бериши қайд этилди.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: ярмаркадан лавҳалар
Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

2008 – Ёшлар йили

ЁШ МУСАВВИРЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ҲИСОБОТИ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА
«ЁШЛАР ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ
ДОИРАСИДА ЎТКАЗИЛГАН «ТАСВИРИЙ
САҢЪАТ ҲАФТАЛИГИ-2008» ЯКУНЛАРИГА
БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.

Саънат байрами Ўзбекистон Бадий академияси, Бадий ижодкорлар уюшмаси, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА, Миллий телерадиокорпорация, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Ўзбекино» миллий агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда саънатнинг барча йўналишлари, жумладан, таъсирий саънат равнақига кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик халқимиз, айниқса, ёшларнинг миллий ўзлигини англашида, ёш авлодни умрбоқий аънава ва қадриятларимизга ҳурмат, она-Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда, маънавий меросимизнинг ноёб ва бетакрор намуналаридан баҳраманд бўлишда муҳим омил бўлаётганлиги таъкидланди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1997 йил 23 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Бадий академиясини ташкил этиш ҳақида»-ги фармонига биноан ташкил этилган Бадий академия ҳам айни шу эътиборнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Таъсирий ва амалий саънат соҳасидаги ижодкорларни, ёш истеъоддорларни халқимизнинг бой маънавий дунёси, озода ва обод Ватан келажиги олдидаги масъулият, миллий ўзлигини англаш ғояларини тараннум этувчи ёрқин асарлар яратишга йўналтириш ва бу борадаги ҳаракатларни рағбатлантириш академия фаолиятининг асосий йўналишларидир. Пойтахтимизда ўтган «Таъсирий саънат ҳафталиги-2008» тадбирларида бу жиҳатлар яна бир қарра ўз тасдиқини топди.

Тадбир доирасида Хоразм воҳаси мусаввирларининг ижодига бағишланган бадий кўргазма, ёш моделер ва дизайнёрлар ишларидан иборат моддалар намойиши, маҳорат сабоқлари, таниқли рассомлар, саънатшунослар иштирокидаги давра суҳбатлари, анжуманлар, концертлар бўлиб ўтди. Муҳир рассомлар, ҳайкалтарошлар, қўли гул уста ва ҳунармандлар ҳаёти, фаолияти ва ижодига оид фильмлар намойиш этилди. Саънатшунос олимлар, мўйқалла соҳиблари томонидан ёш ижодкорларнинг фаолияти, изланишлари атрофида таҳлил этилди.

Хамро Раҳимов, Икром Қаландаров сингари хоразмлик ёш ижодкорлар Ўзбекистон Бадий академиясининг қумуш медали билан тақдирланди. Ёш рассом Акмал Жамол, Камолдин Бехзод номидеги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси Жасвант Аннаваров, Республика рассомлик коллежи ўқувчиси Элёр Муродов, Республика дизайн коллежи ўқувчиси Феруза Солиҳова, Республика таъсирий ва амалий саънат лицей-интернати ўқувчилари Аббос Турдиев ва Ҳожиакбар Эркинов биринчи ўринларга лойиқ топилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

ЧОРАК ЯКУНЛАРИ ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

КУНИ КЕЧА ПОЙТАХТДА КЕНГАЙТИРИЛГАН ШАҲАР ФАОЛЛАРИ ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ТОШКЕНТ ШАҲРИНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТАҲЛИЛ ЭТИЛИБ, 2008 ЙИЛ УЧУН БЕЛГИЛАНГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШINI ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА АЙРИМ ИҚТИСОДИЙ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА МАВЖУД КАМЧИЛИКЛАРНИ ИНОБАТГА ОЛГАН ҲОЛДА ТЕГИШЛИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ.

Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев таъкидлаб ўтганидек, ҳисобот даврида мамлакатимиз раҳбари томонидан белгиланган берилган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури энг муҳим йўналишларининг ҳаёtgа изчил татбиқ этилиши натижасида ҳусусан, Тошкент шаҳрида ҳам макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик таъминланди, асосий иқтисодий тармоқларда сезиларли ижобий ютуқларга эришилди. Буларнинг бари, ўз навбатида, муҳим ижтимоий вазибаларнинг ҳам ўз вақтида бажарилишига асос бўлиб хизмат қилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида ялли худудий маҳсулот ҳажми 116,8 фоизни ташкил этган бўлиб, жумладан, ўсиш суръатлари саноатда— 145,9 фоизга, пудрат ишларида — 104,2 фоизга, чакана савдо айланмасида — 110 фоизга, пуллик хизмат кўрсатишда — 117 фоизга тенг бўлди. Шунингдек, биринчи чорак мобайнида ташки савдо айланмаси ҳажми 123,7 фоиз даражасида таъминланди ва бунда товар ва хизматлар экспорти ҳажми 758,2 миллион АҚШ долларига тўғри келди.

Ушбу кўрсаткичлар давлат ва маҳаллий бюджет ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларга тушумларнинг вақтида ва тўлиқ таъминланишига (тегишли равишда 101,5 фоиз, 102,8 фоиз, 101 фоиз даражада) асос бўлди. Аҳоли турмуш тарзини янада ошириш, ки-

шлар манфаатларини таъминлашга йўналтирилган муҳим ижтимоий дастурларнинг белгиланган чегаралари ҳам тўлиғи билан бажарилди. Ҳусусан, «Бандлик» дастури доирасида 17.619 та янги иш жойлари яратилди (шундан 68 фоизга кичик бизнес субъектлари ҳисобига тўғри келмоқда). Аҳоли даромадларининг ўрта ҳисобда 33 фоизга кўпайгани кузатилди.

Уй-жой коммунал соҳасида ислохотларни давом эттириш бўйича дастурларнинг ижроси борасида ҳисобот даврида 63 та кўп қаватли уйнинг муҳандислик тармоқлари тубдан таъмирланди, шунингдек, атроф худудларни ободонлаштириш, йўлакларни тартибга келтириш, лифтларни созлаш, темир эшиклар ўрнатиш борасида тадбирлар давом эттирилди.

«Ёшлар йили» Давлат дастурида ҳисобот даври учун белгиланган вазибалар ҳам тўлиқ амалга оширилди. Чунончи, ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, улар учун янги иш ўринлари барпо этиш, ёш оилаларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилашга йўналтирилган тадбирлар доирасида кенг ҳомийлик маблағларини жалб этиш қаторида маҳаллий бюджетдан ҳам 31,4 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланди.

(Давоми 2-бетда).

Кечка сатрларда

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги 5-болалар мусика мактабиде Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан ташкиллаштирилган «Ниҳол-2008» кўрик-танловининг Ҳамза туман босқичи бўлиб ўтди.

● **ФУҚАРОЛИК** жамиятини ўрганиш институтида ўтказилган тадбир «Хотин-қизларнинг репродуктив саломатлиги: ютуқлар ва муаммолар» деб номланди.

● **ИНТЕЛЛЕКТУАЛ** мулкни ҳимоя қилиш кўнига бағишлаб шаҳримизда ёшлар иштирокида уюштирилган «Ижодкор ихтирочилар» кўрик-танловининг ғолиблари **ЎТГАН** кун тақдирланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган «Партия ғояларини тарғиб этишда оммавий ахборот воситаларининг роли» мавзудаги давра суҳбатида партия фойдалари, ёшлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

● **ЎТГАН** кун Республика Давлат патент идораси ташаббуси билан уюштирилган тад-

бир Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш кўнига бағишланди. Тадбир доирасида ташкиллаштирилган «Энг яхши интеллектуал мулк объекти» кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

● **ТОШКЕНТ** фото уйида уюштирилган рассом Людмила Шапошникованинг фото асарлари кўргазмаси «Устоз йўллари бўйлаб» деб номланди.

● **ШАҲРИМИЗДА** шахмат бўйича олий лига вакиллари ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатининг 2-тур баҳслари якунланди.

● **КАМОЛОТ** ЁИХ Марказий Кенгаши ташаббуси билан Ёшлар йилига бағишлаб уюштирилган веломарафон нияосига етди.

● **ЧИЛОНЗОР** туман ҳокимлигида янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг аҳамиятига бағишлаб ўтказилган тадбирда назорат қилувчи органлар ходимлари, солиқ тизими вакиллари иштирок этишди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат консерваториясида ўтказилган «Наврўз садолари» халқ чолғулари Республика мусика фестивали Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳамкорликларида уюштирилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан).

Хотира уйгонса гўзалдир

**МУҲАММАД ЮСУФ
ҲАКИДА УСТОЗ
АБДУЛЛА ОРИПОВ «У
ШОИР ЭМАС, БИР ЯПРОҚ
ЭДИ... БОФИМИЗГА
ШУНДАЙ КҮМРИ БИР
КЕЛДИЮ, САЙРАДИ
КЕТДИ» ДЕГАНЛАРИДА
ОДАМЛАР БИЛАН ЛИҚ
ТҮЛА ЗАЛ БИРДАН СУВ
ҚҮЙГАНДАЙ ЖИМИБ
ҚОЛГАНДИ. БУ
СЌЗЛАРДА ЭЪТИРОФ,
АРМОН, ҲАҚИҚАТ
ИЗТИРОБ МУҲАММАД
ЮСУФ ЭДИ.**



ҚҮМРИДИН ШОИР

Муҳаммаджон катта қалбли шоир, айна пайтда таъби назми япроқдан ҳам назик, оқшунгил бир инсон эди. Устоз сифатида Абдулла акага ихлоси жуда баланд. Усмон Носирни кўп гапириб юрар, энди уйлаб кўрсак «Ўзбек Лермонтовининг» «Баргдай узилиб кетсам, унутмас мени боғим» сатрлари Муҳаммаджонга, яна бир неча ёш кетган ўзбек шоирлари қисматида ҳам тааллуқли экан.

У қундалиқ ҳаётимизга дарди, самимий, тиниқ шеърлари билан кириб келди. Қисқа вақт ичида қўшиқчиликнинг димиқиб кетган ҳавосини тозиртиришга муваффақ бўлди. Йўқ, атай қўшиқ учун, қўшиқ бўлсин деб ёзмади, шеърлари қўшиқдан ўз оҳанги, мусиқаси билан тугилгани учун ҳам дарҳол халқ сўйган, одамларнинг кўнглидан тезда жой олган машҳур ашулаларга айланган кетди. Унинг қўшиқлари билан мадҳоҳлик, қўруқ кофийабозлик билан ўртамеъначилликнинг попули сал пасайгандек бўлди. Кейин пайдо бўлган кўчирмачилар ҳар қанча уриниб, чирмасинлар, барибир, ҳали ҳам Муҳаммаджоннинг «Кайинларга айтиб «Қаро кўзим»ни, Сибирларда қолган Усмонларинг бор» ёки «...Ана, юрмишди кийганлар зар, Қодирийнинг сотиб шоир бўлганлар, Меҳробиндан чиққан чаёнларинг бор» сатрларидай жўяли, кераклик шеър ё қўшиқчи эглаб айлганларини ўй.

Сув ичган дарёлари, гул узган чаманларини унутмас, таълим олган, ўрганган, ўргатган устозлари шайни-хурматини ҳамиша баланд тутиб юрарди. Бу меҳр эҳтироми шеърларига ҳам қўйган эди. Энди-да, шогирдлари, оғайни-дўстлари кўпайган, тириклигида сикилган пайтлари «Холдинг не?» деб бирор марта хабар олганга эътибор, ишбилармон шогирдларнинг тиллари бурро, унинг шеърлари, оҳанглирига тақлид қилишдан уялмайин, «ял-

ламаёрим» қилиб юришибди. Шеърни ўзига, ўзи шеърига ўхшаган шоир.

Биз Муҳаммад Юсуф ҳақидаги бу таърифи кўп бора айтганмиз, яна такрорлашдан тортинмаймиз. Сабаби, ўзи савдогар, шеърлари олибсортар шоирлар, «шеърбозлар» тақлидчилар ҳозир ҳам се-рога. Кийиб юрган назмий яқтагига разм солсангиз — бир энги Жуманиёз Жабборов ё Усмон Азим, иккинчи энги эса Муҳаммад Юсуф ё Маҳмуд Тоирники бўлиб қияяпти, эни билан этакларини бошқа шоирлардан «йаргани» ҳам шундоқкина билиниб туради. Муҳаммад Юсуф учун шеър шойирлик умрий қисматга айланган эди. У ҳаётнинг ҳамма ҳашамларига эришмоғи мумкин эди, бироқ ҳаммасидан шеърини, виждонини баланд кўйди. Шоирлар бор — бир умр оро номусини ерга уриб, машҳур бўлмоқнинг пайидан қўлгагани қўлгагани, Муҳаммад-жон шон-шухратни тамаъ қилмади, шухрат унга етишолмай, хун бўлиб изларидан доимо югуриб юрди.

Бизнинг Муҳаммад Юсуф билан дўстлигимиз шу табар-рук даргоҳда — бир замонлар устоз Фафур Фуломнинг шеър-ий фотиҳаси билан дунёга келган «Тошкент оқшом» газетасида бошланган эди. Турсуной Содикова келиштириб айтганидек, «Андижоннинг бу қорамайиш боласи» билан тезда тил топишиб кетди. Фейларимиз бир-биримизга мос келгани учунми, бир-бировга дил очмаган, шеър ўқимаган кунимиз деярли йўқ эди. Шоиримизнинг бугунда машҳур «Сайланма» китобларидан кенг ўрин олган кўпгина шеърлари «Оқшом»да ишлаб юрган ўша кезларда ёзилганига мен ўзим гувоҳ бўлганман. Бирга кечирган йилларимиз, газетадаги уйғок, беҳаловат муҳит, чин шеър-ий паллалар хотираларга мен «Оқшом»да кечган оқшомлар» деб ном қўйдим. Барча хоталар ўша хотираларда батафсил айтилгани,

ўқувчиларга маълум бўлгани учун ҳозир улар ҳақида тўхта-либ ўтирмайман.

Энг муҳими — Муҳаммад Юсуфнинг асл шоир сифатида камол топишида, шак-шубҳасиз, «Оқшом»даги ўша оқшомларнинг ҳам маълум маънода тарбиявий таъсири бўлган. Биз бу азиз даргоҳда севдик, севилдик, ўзимизни, кўнглимизни англадик. Тугилган тупроғига, Ватанига, қолаверса она шахрига айланиб қолган Тошкентда нисбатан беғубор муҳаббати уни юксалтириб, вояга етказди. Шунинг учун Тошкентнинг «қумшувок болохоналаридан» бир умр миннатдор яшайди.

Яна баҳор келди. Шу жон-қўнларда бир дардди, мунгли хабар ҳаммаимизни дафъатан кайғуга солиб қўйди. Шоиримизни дунёга келтириб, оқ ювиб, оқ тараб ўстирган волидаси Энахон ая ҳам бу ёруғ оламга видо айтди. Дўстлар, шоир адиблар ҳамдардлик билдирдилар. Бир пайтлар «Онам йиглар, онам йиглар, онам...» деб ёзганда шоир ўйил. Онамизор ҳам, Миртемир домла айтганларидей, энди «йиглаб бўлди». Яратганининг амрига бўйсунмоқдан ўзга чора йўқ. Худо раҳмат қилсин, жаннатларнинг ўртасидан жой берсин, деймизда...

Яна баҳор келди. Яна Марҳаматдаги Ковунчи қишлоғида қўнлар ва тирикликка шўро-налар айтиб, ариқлар ёқасида қадрдон ялпизлар оламга бўй кўрсатди. Уларга суянганича, қорамгаиздан келган ёруғ юзли бир йигит бизга қараб беозоргина жимлайиб турибди: Муҳаммад Юсуф-ку, қадрдонимиз, дўстимиз, шоиримиз...

Ўша ўзи ўлар,
Ўси ўлмайди,
Ҳамиша барҳайт наса

Ҳақиқий шоирнинг қабри бўлмади,
Юракка қўмилар асл шоирлар.

Сирожиiddин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

МУҲАММАД ЮСУФ
ХАЛҚ БҮЛ, ЭЛИМ

Қадим юртга қайтсин қадим наволарим,
Қумлар босиб қурмасин дарёларим.
Алломшига ала айтган момоларим
Рўҳини шод этай десанг — халқ бўл,
элим!..

Дунёга боқ, қадди сендек ким бор яна,
Довруғи ҳам дарди сендек ким бор яна.
Халқ бўлишга қадди сендек ким бор яна,
Мозийни ёд этай десанг — халқ бўл,
элим!..

Сен тебратган бешигини
Соҳибқирон,
Сенинг боланг юлдузларга қўйган навроон.
Бир майили қирққа бўлган бир тану жон —
Қўнларингга қайтай десанг — халқ бўл,
элим!..

Дарё бўлиб жўшган энди завқи улғу,
Байрамингда севинч кўз ёшигизга қўнлар,
Юртим деган жасур Юртбошини
Унга қанот бўлай десанг — халқ бўл,
элим!..

Бўлар элининг болалари бир-бирин дер,
Бўлмас элининг болалари бир-бирин ер.
Бир бўл энди, қадри баланд қаддини ким,
Халқ бўл, элим, халқ бўл, элим,
Халқ бўл, элим, халқ бўл, элим!

ТАЛАБАЛАР
МАДҲИЯСИ

Алп ўзоналар ўлкаси бу кўҳна Турон
Қалқонлари, қанотлари, элим истанг.

Ярим жаҳон бунёд этган
Соҳибқирон,
Алишернинг аюлдолари, элим истанг!

Тахтдан тушганда ҳам отдан тушмай юрган,
Аждодингиз уй қўрмаган — Давлат курган.

Юрти учун ғаласида тоғлар сурган.
Рустамлари, Фарҳодлари, элим истанг.

Кўз очгандан кезиб етти баҳри уммон,
Етти тилда сўйлашган биз тили бийрон.

Ватанида Тоғмаҳаллар тиклар султон —
Бобурлари, Беходлари, элим истанг.

Ҳақ йўлида сиз илмининг умматлари,
Халқ йўлида ҳидоятини, ҳимматлари.
Мадад бўлсин Яссавийнинг, ҳикматлари,
Бобо Машраб баётлари, элим истанг.

Илим истанг, изингиздан ибрат ёғсин,
Ихлосингиз, шаҳдингиздан шиддат ёғсин.

Ортингиздан мағрур-мағрур милаат ёғсин —

Мулки Турон нажотлари,
элим истанг!..

Алп ўзоналар ўлкасидир Ўзбекистон,
Эркин элининг қанотлари, элим истанг.

Ярим жаҳон бунёд этган
Соҳибқирон,
Алишернинг аюлдолари, элим истанг.

ОНАМГА

Ох, менинг ортимдан оворам онам,
Бир парча юраги минг пора онам.
Ҳар балони кўриб ёруғ дунёда,
Тошканин кўрмаган бечора онам,
Боланг бўлиб бир бор бошлаб келдимми,
Энди мен ҳам сенга ўғил бўлдимми!..

Гарчи бисотингда «байрам» сўзи йўқ,
Баламан, қутсанган сандал тўла чўғ,
Менда юрак деганларини ўзи йўқ:
Мен соғга бермаган қиз йўқ бу оқшом,
Сенга на гул бердим, на ширин калом,
Энди мен ҳам сенга ўғилми, онам?..

Дейсан: олисларда омон юрсанг бас,
Ёдинга тушсанг гоҳ йўқлаб турсанг бас,
Болам, сенга ҳамма қилади ҳавас...
Ахир, менинг дардим Шейр эмас фақат,
Мен машҳур шоирмас — машҳур бешафқат,
Энди мен ҳам сенга ўғилманми, айт?..

Шайинга шеър битдим, У сени топсин,
Пойинга тиз қўйиб, қўлингизни ўқсин.
Ундан ҳам улғуним борлигинг кўрсин,
Мен учун ҳам азиз ҳолингизни сўрсин,
Сенинг тарб кўнглим қўнглимми, онам,
Энди мен ҳам сенга ўғилми, онам!..

Қиёси йўқ асло, меҳри бир дарё,
Ўхшаса ўзига ўхшайди ўзбек.
Болаларига-ку билдирмас, аммо,
Дунёда болам деб яшайди ўзбек.

Ўрта бўлса, ўрни бошқа унинг-чун:
Ўғлим оташидан ярашган ўқун.
Қизим парилардан хечраси гузун,
Юзлари лолам деб яшайди ўзбек.

Бир кўлда беланчак, бир кўлда қўрғон,
Бир елкада кетмон, бирда иймон.
Барчага баробар бир офтобимиз,
Яшасин олам деб яшайди ўзбек.

Момолари тетик юзга қурса ҳам,
Боболари қайси йўллардан қурса?
Набараси бўлса битта уйга жам,
Тўшак етмай тўнини тўшайди ўзбек.

Киндик қони томган тупроқ унга —
Керак бўлса, бесўз бахш этар у жон.
Кўкракка урмайди: Ватан деб, Ватан!
Алтомши ўғлонга ўхшайди ўзбек.

Эҳтиром этганга эҳромлари бор,
Кеккайсанга бўйин эзмайди зўр.
Бешик тўла жажжи Исламлари бор —
Тошўтмас қўрғонга ўхшайди ўзбек.

ЁШЛАР КАМОЛОТИ
ЙЎЛИДА

ПОЙТАХТДАГИ «МАРКАЗИЙ»
МЕҲМОҲОНАСИДА «МАДАНИЙ
ЛОЙИХАЛАРНИНГ УЗОҚ МУДДАТЛИ
САМАРАДОРЛИГИ ВА ЎЗБЕКИСТОННИНГ
МИЛЛИЙ-ИЖОДИЙ САЛОҲИЯТИ»
МАВЗУИДА ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ
ЎТДИ.

«Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда Швейцариянинг Ривожланиш ва ҳамкорлик бўйича бюроси ташаббуси билан ўтказилган тадбирда санъатшунос олимлар, маданият ва санъат намояндалари, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчионалари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида миллий санъатнинг барча йўналишлари бўйича экспертлар маърузалари тингланган, мамлакатимиз маданиятининг ижодий салоҳиятини янада кўчатириш, шунингдек, ўзбек санъатининг ривожланишига қаратилган маданият ва санъат йўналишидаги халқаро ва миллий лойиҳаларни мувофиқлаштирган ҳолда уни хорижда тарғиб этиш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбирда сўзга чиққан Маданият ва спорт ишлари вазирини Р.Қурбонов, Швейцариянинг мамлакатимиздаги Факултетада ва мухтор элчиси Питер Бурхадт, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Анна Паолини ва бошқалар маънавий меросни тиклаш, асраб-авайлаш, ундан халқимиз, айниқса, ёш авлодини баҳраманд этиш борасида қилинаётган ишлар ўз самарасини бераётганини таъкидлашди.

— Давра суҳбати миллий ва халқаро лойиҳалар самарадорлигини аниқлаш ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир, — деди академик А.Ҳакимов. — Унда ёш ижодкорлар ўз йўлларини топиб олиши учун нимага аҳамият бериши зарурлиги, айрим муаммоларнинг ечимли масалаларига ойдинлик кириштирилди. Санъатда ўз бераётган жараёнларни реал кўра олиш, унга тўғри ёндашиш, миллий ва аъёнаний санъатни сақлаб қолган ҳолда тараннум этиш биздан алоҳида эътибор талаб қилади, албатта.

Тадбирда «Аъёнаний амалий санъатни ривожлантириш ишчиболлари», «Ўзбек дизайн-перларининг ижодий ёндашуви ва миллий мода мактабини яратиш», «Театр ва замонавий ўзбек киносининг тарққуёти» каби мавзуларда маърузалар тингланган.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

БУ ИЛЛАТДАН
ҚАЧОН
ҚУТУЛАМИЗ?

Ниҳоят, Аҳмаджон уйланадиган бўлди. У қўнчидан ўзини қўйгани жой тополмасди. Чунки қўни кеча совчилар унаштириш маросимидан оқлиқ ўраб қайтишган. У мана-мана севган қизи висолига етгудек эди. Шу топда унинг шўхлик қилгиси, қўринган танаш-билишларни қўқолаб, ўйиб, қўнчинини улар билан баҳам кўргиси келарди. Ҳаёлига тўсатдан келган бир фикр уни қорхонаси томон етаклади. Ҳали иш қўни тамом бўлишига ярим соат вақт бор. Жадал юрса ўн дақиқада етиб боради иш-хонасига.

Ҳамкасблари бу хушхабарни эшитиб Аҳмаджонни ўраб олишди. Кимдир қўлини сикди, биров табриклиди, яна бошқалар уни қўчиб ўпди. Бир четда туриб бу воқеани кузатётган дўстларидан бири «Бу хушхабарни албатта ювиш керак» деб Аҳмаджонга ёлпишиб олди.

Бу тақдирни инкор этишининг илоҳи йўқ эди. Ҳўп дейишга тили бормасди. Чунки Аҳмаджоннинг ёнида тузуқ-қуруқ пули йўқ эди. Йигитнинг иккиланган туришидан мақсадни тушулган «ташаббускор» дўсти ёнидан шарт бир даста пул чиқариб унга тутди.

— Пулинг бўлмаса мана бунчи ол. Кейинги ойликда берасан. Ёнингда биздек дўстларинг бор, асло гап ема. Анчадан бери ўтиришмадик. Бўлажак тўй баҳона бир ёзилишиб қолайлик дейманда, ўғил бола.

Бу фикрга баъзилар қўшилди. Баъзилар қарши чиқди. «Ахир ўтириш бўлса қочмас, кейин бамаслаҳат бўлар» дейишди. Лекин тарафқашлар «бугунги ишни эртага қўйма» деган гап бор деб ҳеч кимга сўз беришмади.

Чойхонада базми-жамшид қизиб кетди. Аввал Аҳмаджонга, кейин унга «қўчордек» ўғил туғиб берадиган бўлажак келинга, ниҳоят ҳали туғилиб улғурмаган чақалоқ Алишерга (улфатлар шу ернинг ўзида бўлажак фарзандга шунча ном беришди), ўзоқ умр, сихат-саломатлик тилашди. Қўнматлик дўстларининг қалб сўзларидан ҳаяжони ор-

тиб, уларга бўлган меҳри тобора жўшиб бораётган Аҳмаджон ичкилик учун пулни аямасди. Тўрт-беш шиша бўшатилгандан кейин кайфи ошиб қолган дўстлар энди бир-бирларига сўз бермай қолишди.

— Менга қара, — деди ичкилик зўридан тинимсиз ҳижоқч тутаётган Ҳамид исмли йигит Аҳмаджоннинг ёқасидан тортиб. — Сен менинг укам бўласан-а? Йўқ, йўқ, тонма, Укам бўласан. Ишонганга биринчи келганидан мен сенга устозлик қилганман. Тўғримми?

— Ҳой найов? Унинг ҳақиқий устози менман. Ахир ўзинг айтсангки, Аҳмаджон, — сўз қотди ташаббускор дўсти.

Шу тобда Аҳмаджон кимга нима дейишини билмай гаранг эди. Иккала устоз ўртасида биринчилик ҳақида

қўйган баъзи кимсалар «ювиш» деган иллатдан хали-хануз қутулишга олишмаяпти. Бунинг учун баҳона излайдиганлар ҳамон учраб турибди.

Албатта, инсон ҳаётида яхши кўнлар бўлади. Бундай вақтларда қўнчининг, муваффақиятининг дўстларин билан ўртоқлашгил қилади. Лекин ҳар қандай шайида ҳам меъёр деган чегарадан чиқмаслик керак. Ана шу меъёр деган сўз унутилган жойда қўнчинча қўнглисиз ҳодисалар содир бўлади.

ОҚИБАТ

Катта йўлдан ўқдек учиб бораётган «Нексия» яшил чироқда катта йўлни кесиб ўтаётган онахонни уриб юборишига сал қолди.

Бекатда турганлар қондабўзар хайдовчининг орқасидан ҳай-хайлашиб қолишди. Шунда

кимдир ҳеч нарсасга эътибор бермай, йўлни пайпаслаб ўтаётган онахон томон югурди. Унинг қўлидан тутиб йўл чекмасига олиб ўтди. Кейин билсак кампирнинг кўзи охиш экан.

Бунча севган йўл чекмасида турган машиналардан бирининг хайдовчиси онахон томон келиб ундан сўради.

— Қаерга борасиз, она?

— 51-автobусга чиқаман. Бешёғочга, қизимники боришим керак.

— Юринг, машинада мен олиб бориб қўяман.

— Йўлкира ҳақиқа қанча пул бераман?

— Сўради онахонор чўнтагини кавлаштириб.

— Пулингиз керак эмас онахон, дуо қилсангиз бўлгани.

Кампир хижолат тортиб:

— Сизни оворга қилмай, автобусда кета қолсам бўларди болам, — деди.

— Автобусда туртинчи-суртинчи юрасизми? Тайёр машина бор, бир зумда манзил-ингизга элтиб қўяман. Савоб ҳам керакда одамга.

Йигит қўйрада-қўймай кампирни машина-сига ўтказиб олиб кетди. Одамлар шовша-шоярлик билан йўл қойдасини бузган хайдовчидан ранжиди. Одамхон, меҳр-оқибатли иккинчи хайдовчини «Баракат топсин, тупроқ олса олтин бўлсин» деб дуо қилишди.

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот
воситалари хабарлари
асосида тайёрланди

● Дунёдаги энг кичик атом электр станцияси Нью-Мексико штатидаги машҳур Лос-Аламос лабораториясида америкалик олимлар тарафидан бунёд этилган. Барча қурилма олти тонна оғирликда бўлиб, айланаси ва баландлиги икки метргача катталидаги цилиндр шаклида. Бу электр станция маҳаллий турар жойларни энергия билан таъминлашга мўлжалланган, у 20 йил давомида узлуксиз ишлай олади.

● Дунёдаги энг кичик шаҳар Югославияда жойлашган бўлиб, у Хум деб аталади. Шаҳарда 250 киши яшайди. У ерда ҳафтасига икки марта тушгача ишлайдиган дўкон, иккита черков бор, битта автобус ҳар кун уч марта қатнайди. Икки кўча, кичик ресторан, 16 кўча ёриткичи ва еттигача доимий одам истикомат қиладиган 13 та уй мавжуд. Шаҳар илк бор 1102 йилги солномада қайд этилган. У қадимги Рим ҳаробаларида бунёд бўлиб энг гуллаб яшаган даврида уч юзга яқин аҳоли яшаган.

● Олимлар ҳозирга қадар Македониянинг энг улкан ва кўҳна даҳмасини аниқлашга муваффақ бўлдилар. Барча эҳтиомолларга кўра, у Буюк Искандарнинг буюси Эвридика Македонскаяга мансуб. Даҳма қурилиши вақти эраимиздан аввалги 330 йилдир. Унда икки метр баландликдаги подшонинг мрамар тахти мавжуд.

● «Интербиос» билан Одессадаги озиқ-овқат технологияси олиб билимгоҳида шарбатларни нитратлардан тозалаш усули ишлаб чиқилди. Бунинг учун санаот биореакторига ишлаб чиқрилган мембраналар қўйилади. Шарбати олиниши керак бўлган мембрана реакторга тушаверади. Катталиги молекуладек ёки коллоид зарраларидек мембраналар шарбатни ўзидан ўтказиши. Шу орада эса ортика нитратларни ўзида ушлаб қолади. Ишлаб чиқаришда крахмал, лектин, липид, антибиотик, витамин ва алоҳида амин кислоталар нитратлардан тозаланиб шарбат ёки бошқа махсулотларга айлантирилади. Бундай шарбатлар болалар учун фойдалидир.

● Гўзаллик, оқиллик, назокат нафосат аёлларга, қизларга хос фазилатдир. Гўзаллигини турли халқлар турлича кашф этганлар. Қадимги перуликлар қизлари чиройли бўлиши учун оппоқ тишларини қорага бўяшган, ёшлик чоғларида уларнинг икки кўзи ўртасига маржонни игга қадаб тикиб қўйишган экан. Натижада уларда гилайлик ривожланган. Бу гилайлик улар учун гўзаллик мезони ҳисобланган. Қадимги мисрликлар эса бош чаноғининг узунқоқлигида гўзаллигини кўра билишган. Бунга эришиш учун чақалоқлигидан қизларнинг икки чаккасини қаттиқ тангич ўраб қўйишган. Африканинг баъзи қабила-ларида аёлларнинг гўзал бўлиши учун бўйинларига узун спиралсимон халқалар кийдиришган. Қизларни ҳам ана шундай тақинчоқлар билан беэаб йилдан йилга унинг қаторини кўпайтириб боришган. Хитойликлар оёқлари кичик аёлларни афзал қўришди. Шунинг учун улар қизчаларининг оёқларини қисиб турадиган кичкина шиппақлар кийишга мажбур қилишди.

● Ҳозир дунёнинг етти мамлакатида оммавий ахборот воситалари музейлари фаолият кўрсатмоқда. Бундай музейлардан яна бири Жанубий Кореяда ташкил топди. Бу ерда 10 мингдан ортиқ экспонат намойиш қилинмоқда. «Газета тарихи», «Муҳим текширувлар», «Медиа тарихи» деган заллари эса нодир экспонатларга бўл. Улар жаҳон маъбуотининг тарихи ва бугунги доир маълумотлар ҳақида ҳикоя қилади. «Медиа» зали музейга келувчиларда катта қизиқиш уйғотади. Бу ерда ўрта катта экран ўрнатилган бўлиб, улар орқали ҳаттоки бугунги нашрлар-гина эмас, балки 2050 йилда чиқарилиши кўзда тутилган газеталарнинг андозалари, лойиҳалари ҳам тасвирлаб берилди.

● Австралиянинг «Вумера» ҳарбий полигонига япон ва француз олимлари товушдан тез учувчи йўловчи самолётини синовдан ўтказди. Янги самолёт машҳур «Конкорд» самолётларидан ҳам тез учадиган ва Токио—Нью-Йорк ўртасидаги масофани олти соатда босиб ўтади. Француз авиаторлари япон технологиялари асосида таннархи анчагина арзон, йўловчилар учун қулай, шовқинсиз самолёт яратишга ҳаракат қилишмоқда.

● Ҳар тонг қўнчилигимиз тетиклантирувчи восита сифатида бир пиёла қахва ичишга одатланиб қолганмиз. Лекин ҳозиргина узиб олинган аттиргуннинг хушбўй иси мия ҳужайраларини қаҳвадан ҳам яхшироқ фаоллаштириб юборишини ҳаммаимиз ҳам биллашимиз, имтихон топишарётган талабалар учун ялпи хиди келаётган онахоннинг нафи кўпроқлигини? Бу хидлар компьютерда ишловчилар учун ҳам жуда фойдалидир. Маълум бўлишича, инсон 10 мингдан ортиқ хидни ҳис қилар экан. Тажрибали ошпазлар таомнинг мазасини қўрмасдан унинг хидидан ҳам овқатнинг туз меъёрини аниқлашлари мумкин. Қадимги Миср ва Осурийлар давлатида уйлар, ибод

03-03 ЎТГАНИБ ДОМО БУЛАР...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ АБУ АЛИ ИБН СИНО ҲИКМАТЛАР

Ошиқнинг маъшукни аниқлаш уни даволаш йўлларида биридир.

Ишқнинг аломатлари: кўз чуқур тушади ва қуруқлашади, йиғлашдан бошқа вақтда кўз ёшланмайди, кўз қовоқлари муттасил ҳаракат қилиб туради, киши ёқимли бир нарсаси қараган ёки шодлантирувчи бир хабарни эшитган ё бўлмаса ҳазил қилаётган каби кулади.

Шодлик, ашула ва мусиқа эшитиш баъзи кишиларга тасалли берса, баъзиларнинг иштиёқини кўпайтиради.

Хурсандлик бир турли лаззатдир.

ТИББИЙ ЎГИТЛАР

Ҳар бир нарсани билиш у нарсанинг сабаблари бўлса, шу сабабларни ўрганиш орқали ҳосил ва камолга етади.

Ёшлар умуман тўрт қисмдир: 1) Ўсиш ёши, бунга ўсмирлик ҳам дейилади — бу ўттиз йилча давом этади; 2) Ўсишдан тўхташ ёши — бу ўттиздан ўттиз беш ёки қирқ ёшгача бўлган давр; 3) Қисман қувват бўлатуриб, чўкиш ёши — бу ўртача ёшдаги кишиларга мансуб бўлиб, олтиш ёшгача давом этади; 4) Кучсизлик билан чўкиш ёши — бу умр охиригача чўкилиб, қариларнинг ёшидир.

Билгинки, касалликларнинг кўпчилигида тўрт давр бўлади: бошланғич даври, зўрайиш даври, зўрайишда ниҳоятга етиш даври ва пасайиш даври. Бу даврлардан ташқаридаги вақт соғлиқ ҳисоби.

Яхши ҳаво ҳеч бир буг ва тутун каби ёт нарсалар аралашмаган ҳаводир.

Йил фаслларининг ҳар бири ўзига муносиб соғлом миждога бўлган кишига мувофиқ келади ва ўзига муносиб бўлмаган ёмон миждоли кишига тўғри келмайди.

Фасллари доимо бир турли кайфиятда бўлган йил ёмон йилдир, масалан, йилнинг ҳамма фаслари ҳўл ё кўруқ, иссиқ ёҳуд совуқ бўлса, бундай йилларда ўз кайфиятларига муносиб касалликлар кўпаяди ва бу касалликларнинг муддатлари ҳам узун бўлади.

Баҳорда узокқа чўзилмаган касалликлар кўзгалади, чунки (баҳор) туриб қолган хилтларни юргазиб оқизади.

Турар-жой танловчи киши куйидагиларни билиши керак: ерининг тупроғи, баландлик ва пастлиги, очик ва ёпиқлиги, суви, сувнинг моддаси, оқиб чиқишлиги ва очиклиги ёки унинг баландлик ва пастликдан оқишлиги; у ерда шамоллар эсадими, ёки у жой чуқурликдами.

Сув озиклантирмайди, балки овқатли моддаларни ўтказиши ва уларнинг куюк-суёқлигини (ҳазмга) мослаштириб беради.

Сувларнинг энг яхшиси булоқ сувидир. Лекин ҳамма булоқнинг эмас, балки ери тоза ва тупроғида биронта чет ҳусусият ва кайфият бўлмаган булоқнинг сувидир.

Айтаминки, соғлиқни сақлашда асосий нарсаси куйидаги умумий ва зарурий сабабларни мўтадил қилишдир. Бунда асосан куйидаги етти нарсани мўтадил қилишга кўпроқ эътибор берилиши керак: мизожни мўтадил қилиш, ейилмаган ва ичиладиган нарсаларни танлаш, гавдани чиқиндилдан тозалаш, тўғри тузилишни сақлаш, бурунга тортиладиган ҳавони етарли ва яхши қилиш, кийимли нарсаларни яхшилаш, жисмоний ва руҳий ҳаракатларни мўтадил қилиш; шу ҳаракатлар жумласига маълум даражада уйку ва уйғоқлик ҳам киради.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Педиатрия илмий-текшириш институти ва клиникаси жамоаси пульмонология бўлимининг катта илмий ходими Мухтабар Маннапоева Хайдаровнинг турмуш ўртоғи **Ҳамдамжон ХАЙДАРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларига чуқур ҳамдардлик билдирадиган.

Танловлар

«НИҲОЛ» МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР АНИҚЛАНМОҚДА

МАЪЛУМКИ, БУГУНГИ КУНДА ЁШЛАР ОРАСИДАН ШИРАЛИ ОВОЗ СОҲИБЛАРИ, МУСИҚАШУНОСЛАР ВА БОШҚА ШУ КАБИ САҢАТГА ИШТИЁҚИ БАЛАНД БЎЛГАН ИСТЕЪДОД ЭГАЛАРИ КЎПЛАБ ЕТИШИБ ЧИҚМОҚДА. УЛАРНИНГ ИҚТИДОРИ МАМЛАКАТИМИЗДА ЎТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАН ТУРЛИ ТАНЛОВЛАР ВА ФЕСТИВАЛЛАРДА ЯНАДА ЁРҚИН НАМОЁН БЎЛМОҚДА. АЙНИҚСА ЮРТБОШИМИЗ ТАШАББУСИ БИЛАН ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН «НИҲОЛ» МУКОФОТИ САҢАТ МАЙДОНИГА КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ ИСТЕЪДОДЛАРИНИ КЎЛЛАБ-ҚУВВATЛАБ, УЛАРНИ КАШФ ҚИЛИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛМОҚДА.

Айни кунларда бу йилги «Ниҳол» мукофоти номуздалари аниқлаш мақсадида танловнинг туман босқичлари бўлиб ўтмоқда. Жумладан яқинда Юнусобод туманидаги Ҳамид Олимжон номидаги маданият уйида «Ниҳол» мукофоти бўйича танловнинг туман босқичи ўтказилди. Унда Юнусобод туман маданият ва спорт ишлари бўлими тасарруфидagi Ҳамид Олимжон, Абдулла Қодирий, Фуркат, Мукаррама

Турғунбоева, «Дўстлик» ва Толибжон Содиков номидаги маданият уйлари бадиий жамоаларининг истеъдодли саъят гуначалари иштирок этдилар. Ёш иқтидорлар шу кунги номинациялари бўйича, яъни мумтоз кўшиқ, эстрада кўшиқчилиги, ракс, опера, фольклор йўналишларида ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Ёшларнинг ҳар бир чиқишларини ҳакамлар ҳайъати аъзолари муносиб баҳолаб боришди.

— Кейинги йилларда мамлакатимизда саъятга иштиёқи кучли бўлган ёшлар сафи ортиб бормоқда. Жумладан, туманимизда ҳам бундай ёшлар кўпчиликини ташкил қилади,— дейди Юнусобод туман маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Абдуваҳоб Сахиев. — Туманимиздаги маданият уйлари иштирокчилари орасидан энг истеъдодлилари мазкур танловда иштирок этмоқдалар. Бугунги танлов шуни кўрсатмоқдаки, ўтган йилларга қараганда бу йил иштирокчилар сони кўпчиликини ташкил қилмоқда. Саъят майдонига қадам қўяётган иштирокчиларнинг ижро маҳоратлари, саҳна маданиятини кўриб хурсанд бўлдик. Улар орасида мазкур мукофотга муносиблари бор албатта. Мана, Ёшлар йили деб ном олган жорий йилда ёшлар учун яна ҳам кенг имкониятлар

яратилмоқда. Истардимки, ёшлар мана шу имкониятлардан унумли ва оқилона фойдаланиб, нуфузли мукофотларга сазовор бўладилар, устоз саъяткорлар йўлидан бориб, ўз истеъдодлари билан ўзбек саъвати ривожига муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Танлов якунида иштирокчилар орасидан Н.Юнусов, Д.Гимазутдинова, Ҳ.Позиллов, Ф.Сафоева, З.Мирзаева, С.Турсунхўжаев, Ж.Абдухалиловлар турли номинациялар бўйича фахрли ўринларни эгалладилар. Ҳамиджон ва танлов иштирокчилари Юнусобод туман ҳокимлигининг Маданият ва спорт ишлари бўлими томонидан Фахрий ёрлик билан тақдирландилар.Ҳамиджон ва танловнинг шаҳар босқичига йўлланма берилди.

Дилором ИКРОМОВА

Мусобақалар

САЛОМАТЛИКНИНГ ЁШ ДЎСТЛАРИ

МАЪЛУМКИ ХАЛҚАРО ҚИЗИЛ ХОЧ ВА ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ИНСОНЛАРНИНГ ЯШАШ ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА УНИНГ КАДР-ҚИММАТИНИ ҲУРМАТ ҚИЛИШ, ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДА ҲАМЖИХАТЛИК ВА ДЎСТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ШУНИНГДЕК ҲАЁТДА ҚИЙНАЛИБ ҚОЛГАН ИНСОНЛАРГА БЕМИННАТ ЁРДАМ КЎРСАТИШГА ҚАРАТИЛГАН. ШУ БИЛАН БИРГА ЁШЛАРГА САНИТАР-ГИГИЕНА БИЛИМЛАРИНИ БЕРИБ БИРИНЧИ ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШГА ЎРГАТИШ ҲАМ ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИ ДОИРАСИГА КИРАДИ. ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ҚОШИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЖАМИЯТНИНГ БОШЛАНҒИ ТАШКИЛОТЛАРИ БУГУН БУ БОРАДА МУВАФФАҚИЯТ БИЛАН ИШ ОЛИБ БОРМОҚДА.

Кун кеча Қизил Ярим Ой жамияти Ҳамза туман Кенгаши томонидан Авиасозлар коллежидида ўтказилган «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақасида иштирокчилар эътиборга моликдир. Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинадиган ушбу мусобақанинг туман босқичида 29 та мактаб ва Авиасозлар коллежи сангостчилари иштирок этдилар.

Туман халқ таълими бўлими, ҳудудий тиббиёт бирлашмаси, «Камолот» ЁИХ туман бўлими каби бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу мусобақада иштирокчилар 8 та шарт бўйича беллашиб олган билим ва кўникмалари, чаққон ва тезкорликларини намойён этдилар.


— Туманимиздаги ҳар бир мактабда Қизил Ярим Ой жамиятининг бошланғич ташкилотлари тузилган бўлиб, ўқувчилар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, фавқулодда ҳолатлар рўй берганда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, ногирон, ёрдамга муҳтожлар, кексаларнинг уйларида бориб ёрдамлашиш каби инсонийлик фазилатларига ўргатиб келинмоқда,

— дейди биз билан суҳбатда Қизил Ярим Ой жамияти туман бўлими раиси Санобархон Октабаева. Шунингдек, тумандаги Аҳмаджон Назаров, А.Навоий, «Машинасозлар», «Наврўз», Усмон Носир, «Сивец» маҳаллаларида фавқулодда вазиятлар бурчаги ташкил этилиб, аҳолини тошқин, сел, зилзила, ёнгинлар содир бўлишининг олдини олиш, тўсатдан юз берган табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш, фавқулодда вазиятларга тайёрлаш ва биринчи ёрдам кўрсатиш хизмати ҳақида тушунарлар бериш каби ишлар олиб боришда, «Меҳр-шафқат» ҳамширалари ёлғиз кексаларга тиббий хизмат кўрсатиб, бепул дори-дармон билан таъминлаб, уларнинг оғирини енгил қилишга интилиб келмоқдалар. «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақаси ҳам сафда туриш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, уйда беморга қараш, шахсий ва жамоат гигиенаси, до-ривор ўсимликлар ва уларни қўллаш, Қизил Ярим Ой жамияти тарихи ва феолияти, йўл ҳаракати қоидалари, эркин мавзу шартлари орқали ҳар бир ёшнинг махсус дастур асосида олган билимларини

мустанҳкамлаб, ўзларига бўлган ишончларини оширади. Бундан ташқари мактаб, маҳалла, корхона, ташкилотларни методик қўлланмалар, турли касалликларнинг олдини олиш, гигиеналик, силга қарши кураш ҳақидаги брошюралар билан таъминладик. Мақсадимиз жамиятимиз феолиятини янада жонлантириш, ёшларнинг тиббий саводхонлигини ошириб, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдир.

Туман халқ таълими ташхис бўлими бошлиғи Татьяна Трофимова бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати мусобақа шартлари бўйича қизгин беллашув жараёнини синчиклаб кузатиб бордилар ва адолат билан ғолибларни аниқладилар.

Улар умумжамоа ҳисобидаги очколар бўйича биринчи ўринни 166-мактаб жамоаси кўлга киритганини эълон қилганларида гулдурас қарсақлар янгради. Иккинчи ўрин 153, 145-мактабларга, учинчи ўрин 151, 61-мактабларга насиб этди. Деворий газеталар бўйича биринчи ўринни 231, 161 ва Авиасозлар коллежи, иккинчи ўринни 198, 166, 61-мак-



таблар, учинчи ўринни эса 153, 145, 152-мактаблар забт этдилар.

Ҳамиджон ва катнашчилар Қизил Ярим Ой жамиятининг Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Чиройли байрам дастурхони эса ўқувчиларни

янада ҳушнуд этди.

Шахризода МУҲСИМОВА
СУРАТЛАРДА: Ҳамза туманида бўлиб ўтган «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақасидан лавҳалар.

Алексей Попов олган суратлар

Спорт янгилликлари

ҲАМЮРТЛАРИМИЗГА КАТТА ИШОНЧ

ОСИЁ ФУТБОЛ КОНФЕДЕРАЦИЯСИ ТАШАББУСИ БИЛАН «2008 ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЎЙИНЧИСИ» НОМИНАЦИЯСИГА ДАЪВОГАР ФУТБОЛЧИЛАР РЎЙХАТИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.

Рўйхатдан ўрин олган 21 та футболчи орасида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Улугбек Бокоев ва Темур Копадзёларнинг ҳам борлиги мамлакатимиз футболда ўзига хос янгилаштирил, ислохотлар амалга оширилиб ва улар ихобий натижа бераётганлигидан далолатдир.

Биз кўп минг сонли мухлислар номидан бу икки футболчимизга «Йилнинг энг яхши ўйинчиси» номинациясида ғалаба қозонишларини тилаб қоламиз.

ЙЎЛЛАНМАЛАР СОНИ ЯНА КЎПАЙДИ

ШВЕЙЦАРИЯДА ЭРКИН КУРАШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ТУРНИР УЎШТИРИЛДИ.

Шуниси қувонарлики, жорий йилда Хитой пойтахти Пекинда бўладиган Ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи ушбу турнирда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган Сослан Тигиев 74 килограммга-ча бўлган вазнда рақибларидан маҳоратли эканлигини исботлаб турнир ғолиблигини кўлга киритди ва олтин медаль эгасига айланди.

Мамлакатимиздан Пекингга борувчи 32 нафар иқтидорли спортчилар орасида Сослан Тигиевнинг ҳам борлиги кишини қувонтиради.

(Ўз мухбиримиз)

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЁЪПОНЛАР

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЁЪПОНЛАР

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЁЪПОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисида»ги Қонуни асосан Тошкент шаҳар прокуратураси органлари томонидан фуқаролар ва юридик шахслар вакилларини:

— Тошкент шаҳар прокурори — ҳар ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари соат 11.00 дан 13.00 гача;
— шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари — ҳар ҳафтанинг душанба ва пайшанба кунлари соат 11.00 дан 17.00 гача;

— шаҳар прокурорининг ўринбосари (судларда прокурор ваколатини таъминлаш масалалари бўйича) — ҳар ҳафтанинг душанба ва чоршанба кунлари соат 11.00 дан 17.00 гача;

— шаҳар прокурорининг ўринбосари (тергов ва суриштирув масалалари бўйича) — ҳар ҳафтанинг душанба ва жума кунлари соат 11.00 дан 17.00 гача;

— шаҳар прокуратурасининг тарқибий тармок раҳбарлари — ҳар кун соат 10.00 дан 17.00 гача Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 6-йида жойлашган бинода шаҳар прокуратурасининг «қабулхонаси» орқали;

— туман прокурорлари ва уларнинг ўринбосарлари — ҳар кун соат 10.00 дан 18.00 гача ўз биноларида қабул қилишмоқда.

Қабул қилиш масалалари юзасидан маълумот учун телефон: — 277-10-11

Шу билан биргаликда Тошкент шаҳар прокуратураси органларида фуқаролар ва юридик шахсларнинг вакиллари учун куйидаги Ишонч телефонлари ўрнатилган:

— Тошкент шаҳар прокуратурасида — 273-04-24

— Бектемир туман прокуратурасида — 295-02-81

— Мирзо Улугбек туман прокуратурасида — 267-68-38

— Миробод туман прокуратурасида — 281-58-69

— Сергели туман прокуратурасида — 258-67-10

— Собир Раҳимов туман прокуратурасида — 228-14-46

— Учтепа туман прокуратурасида — 271-52-02

— Ҳамза туман прокуратурасида — 289-44-44

— Чилонзор туман прокуратурасида — 277-91-62

— Шайхонтохур туман прокуратурасида — 249-61-02

— Юнусобод туман прокуратурасида — 232-25-36

— Яккасарой туман прокуратурасида — 250-03-92

Мунажжим башорати

29 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА

Бугун инсонларда тажовузкорлик ва зўравонликка интилиш хисларини уйғотади. Бундай кайфиятга берилманг, акс холда ўзингиз жабр тортасиз. Илоҳи бўлса, бугунги кунни шаҳардан ташқарида, табиат кўйида, ундан ҳам яхшироғи — сув ҳавзалари бўйида ўтказишга ҳаракат қилинг.

Бошлаб қўйилган ишларни ниҳоятга етказиш, жисмоний фалонлик, баҳс-мунозаралар, саъят сирларини ўрганиш, ўқиш, қурилиш ишлари бугун хайрли бўлади. Сиз ўзингизга ўзингиз бошлиқсиз, бугун бу айтиш мумкин: Зеро, сиз тўқнаш келадиган ҳолатлар ҳамма ҳам сизга ўхшаб олижаноб фазилатларга эга бўлавермаслигини тушуниб олишингизга ёрдам беради.

Гомеопатик дори воситалари, биоэнергетика, гиёҳлар билан даволаниш бугун самарали бўлиши қутилади. Томоқ операциялари, қон куйиш муолажаларини бошқа кунга қолдирган маъқул. Ўт пуфагини тозаловчи муолажаларни бошлаб юбориш мумкин.

Тушларингиз севги саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилади. Шунингдек, улар ҳаётингизда яқин орада рўй бериши мумкин бўлган жиддий ўзгаришлардан огоҳ қилади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г-306

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3350 нусхада босилади.
Қўроғ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича
турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига
муносабат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарк» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 3 4 5 6